*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

1988 ЙИЛ 21 АВГУСТ,
ЯКШАНБА
№ 190 (4.386).
Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади





## ТЕРИМГА ШАЙ!

ФОТОРЕПОРТАЖ

Кейинги йилларда Пахтакор районидаги Ульянов номли совхоз юксалишнинг ойдин йўлидан дадил олға бормоқда. Бу ерда пахта етиштириш сарф-харажатлари кескин камайтирилди. Қўриқдаги хўжалик коллективи ўтган йили барча тармоқлар бўйича давлатга маҳсулот топшириш планларини уддалади. Бугунги кунда ҳам совхозда ишлар дуруст бораяпти.

— Меҳнатни ташкил этишнинг янги усуллари қўлланилаётганлиги кўпгина муаммоларнинг ечимини топишга имкон бераяпти, — дейди хўжалик бош инженери З. Шералиев. — Совхознинг барча ишлаб чиқариш коллективлари пудратга ўтишган, хўжаликнинг ички ҳисоб-китоб ишларини назорат қилишнинг чек системаси қўлланилмоқда. Нарядсиз ишлаш кўп нарсага бошқача кўз билан қарашга мажбур этди. Масалан, машиналардан фойдаланиш коэффициенти анча кўтарилди.

Бош инженернинг сўзларини бир нечта рақам билан изоҳлаш мумкин. Ўтган йили совхозда машиналарда 4.800 тоннага яқин пахта терилди. Бу соҳадаги план 123 процент бажарилди. Кўриниб турибдики, натижа чакки эмас.

Бу йил Жиззах даштидаги биринчи совхоз коллективи агрегатлар ёрдамида камида 5 минг тонна пахта териб олишни мўлжалламоқда. Хўжаликда сўз билан иш бирлигини таъминлаш учун ҳозирнинг ўзидаёқ қатор чоралар кўриб қўйилди. Бугунгача 62 та машина шай ҳолга келтирилди. Фақат тўрт агрегат мотори тайёр бўлмагани учун ремонтдан чиққани йўқ.

— Кейинги йилларда совхозимиз ремонтчиларининг иш услуби тубдан ўзгарди, — дейди механизатор А. Мардиев. — Илгари охирги дақиқаларгача машиналар ремонти билан ҳеч ким шуғулланмасди. Кейин эса вақт қисталанг келиб қолганда ҳамма ёпириларди. Марказий ремонт устахонасида тун бўйи қолиб кетган пайтларимиз кўп бўлган. Бу йил эса совхозимиз слесарлари эрта баҳордаёқ ремонт ишларини бошлаб юбордилар. Бўш пайтларимда мен ҳам уларга қарашиб турдим. Ўз машинамни бригадада ҳаммадан аввал тайёр ҳолга келтирдим. Аммо йиғим-терим мавсумида унда бошқа механизатор ишлайди. Чунки менга янги машина беришди. Бу ўтган йили яхши ишлаганим учун рағбатдир.

Яна бир неча кундан кейин хўжаликда ғўзани баргсизлантиришга киришилади. Бунинг учун 8 та агрегат тахт қилиб қўйилди. Мутахассислар ҳисоб-китоби бўйича дефолиация ўн кун ичида тугалланади.

Механик-ҳайдовчилар сирғалувчи график асосида ишлашади. Моддий ва маънавий рағбатлантириш чоралари ўйлаб қўйилди. И. Исроилов, М. Раҳматуллаев, У. Тўраев, Ш. Шералиев, Ш. Миродилов сингари энг яхши механик-ҳайдовчилар бу йил камида 150 тоннадан пахта териш ташаббуси билан чиқдилар.

Ульянов номли совхозда йиғим-терим мавсуми ҳар томонлама шайланган ҳолда кутиб олинаяпти. Давлатга иложи борича кўпроқ сифатли пахта етказиб бериш ҳозир хўжалик деҳқонлари олдида турган асосий вазифадир.

С. КУМАНИКИН.

**СУРАТЛАРДА: мавсумга шай терим машиналари; механизатор А. Мардиев бу йил 120 тонна пахта териш мажбуриятини олган.**

З. ИМОМНАЗАРОВ фотолари.

## ЯНГИЧА ИШЛАШ

### *Оқдарё районидаги Ленин номли колхознинг Бердимурод Элмуродов бошлиқ бригадаси ижара пудратини муваффақиятли қўлланмоқда*

Яшил пахтазор қуёш нурида жимирлайди. Дуркун ғўза тупларида шода-шода кўсак, шона, гул.

— Бердимурод аканинг бригадасида ишлар чакки эмас, — экин ривожидан мамнуниятини яширмайди Оқдарё район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати Тойир Сайфиддинов. — Коллектив янгичасига ишламоқда. Районимизда биринчи бўлиб шу бригада ижара пудратига ўтди.

Бригада роппа-роса 100 гектар майдонда пахта етиштирмоқда. Коллективга 45 нафар колхозчи уюшган, шунингдек 10 нафар юқори синф ўқувчиси уларга кўмаклашмоқда. Ижарачи бригада коллективининг колхоз правлениеси билан тузган шартномасида ҳар иккала томон ҳам сўзсиз бажариши лозим бўлган мажбуриятлар бандма-банд баён этилган. Бу мажбуриятлар нималардан иборат? Аввало, бригадага тегишли ер майдонидан ташқари зарур техника воситалари, асбоб-ускуналар — умумий қиймати 61 минг 245 сўмлик асосий воситалар бириктиб қўйилган. Шунингдек, ўғит ва бошқа дориворлар, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материаллари—бригадада иш юритиш учун керакли ҳамма нарса ўз вақтида етказиб берилади.

Ижарачи коллектив-чи? Бригада аъзолари ҳам ўз навбатида ажратилган ер майдони, машина ва механизмлардан унумли фойдаланиш, шартномада кўрсатилган планни бажариш юзасидан мажбурият қабул қилганлар. Бригада коллективи колхоз раҳбарлари, мутахассислар, иқтисодчилар билан ҳамкорликда ишлаб чиққан ҳисоб-китоблар аниқ, ишонарли. Унда қайд этилишича, ижарачи коллектив мавжуд юз гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27,7 центнердан, жами 277 тонна пахта етиштириши керак. Шундан 163,4 тонна — биринчи, 44,3 тонна—иккинчи, 36 тонна — учинчи, 33,3 тоннасини тўртинчи сорт хом ашё ташкил этиши зарур. Хом ашё сортларидаги ана шу фарққа қатъий амал қилинган ҳолда план бажарилса жами 212.100 сўмлик ҳосил етиштирилади. Унинг 61.546 сўми иш ҳақи учун сарфланади. Уруғлик, ўғит, бошқа дориворлар, ёнилғи-мойлаш материаллари, амортизация харажатлари ва ҳоказо — иқтисодчилар тили билан айтганда моддий-пул харажатларига 50.152 сўм сарф қилинади. Демак, бригада аъзолари шартномада кўрсатилган ҳосилни етиштириш учун 111.698 сўм маблағ сарфлайдилар. Шунча маблағ эвазига 212.100 сўмлик ҳосил яратадилар. Иш ҳақи ва моддий-пул харажатларидан ортган маблағ эса одатдагидай колхозники.

— Ҳисоб-китоблар сўнгги йилларда республикамизда кенг қўлланилаётган бригада, звено ва оила пудратдагининг худди ўзи-ку! Ижара пудратининг улардан фарқи нимада? — масаланинг моҳиятига чуқурроқ киришга интиламиз.

— Тўғри, ҳозирча фарқ қилмайди, — бригада аъзоларига кўмакка келади РАПО кенгаши раисининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Раббим Алиқулов. — Ижара пудратининг афзаллиги ана шундан кейин бошланади. Мана, бизда планни ошириб бажариш, яъни белгиланганидан кўп маҳсулот етиштириш, иқтисод ва тежамкорлик деган тушунчалар бор. Шу ўринда ижара пудратининг афзалликлари кўзга ташланади. Масалан, пудратнинг бошқа турларида тежалган маблағнинг 70 проценти пудратчиларга тегади. Ижарада эса бу маблағ юз фоиз пудратчиларники. Ортиқча маҳсулот етиштирилганида ҳам шундай. Ҳозир пудратнинг бошқа усулларида пландагидан ортиқча етиштирилган маҳсулот қийматининг 40 процентигача пудратчиларга берилади. Таъкидлайман, 40 процентигача. Демак, 25 ёки 30 процент бўлиши ҳам мумкин. Ижара пудратида эса планга қўшимча етиштирилган ҳосил қиймати юз фоиз пудратчиларники. Мана, гап қаерда.

Ижарачи бригадада чек системаси жорий этилган. Чек дафтарчаларидан бири — иш ҳақи, иккинчиси — моддий харажатлар учун. Ана шу чек қоғозларида коллективнинг иқтисодий аҳволи ойнадек кўриниб турибди.

— Ўтган ярим йилда фақат иш ҳақининг ўзидан 7 минг сўм иқтисод қилинди, — бригада бошлиғи Бердимурод Элмуродов дастлабки ҳисоб-китоблардан қониқишини яширмайди. — Техниканинг жорий ремонти, моддий харажатлардан ҳам тежам бор. Тежалган маблағ йил якунида тўла-тўкис иш ҳақимизга қўшилади. Кўраяпмизки, ижаранинг афзаллиги ҳозирданоқ маълум.

Таъкидлаш керак, мазкур колхозда меҳнатни ташкил этишнинг пудрат усули қўлланилаётганига бир неча йил бўлди. Бригада, звено ва оила пудрати. 1.240 гектар пахта майдонида бултур тўла-тўкис звено пудрати жорий этилганди. Мана, жорий йилда ижара пудрати ҳам юзага чиқди. Дарвоқе, бригадада ижара пудратига ўтиш нияти қандай туғилди?

— Бу фикр қишда, деҳқонларнинг ўқиб-ўрганиш мавсумида пайдо бўлди,— дейди Бердимурод ака. — Ўшанда колхоздаги профилакторийда райондаги бригада бошлиқларининг бир ҳафталик ўқуви ташкил этилди. Ҳам медицина кўригидан ўтиб саломатликни тикладик, ҳам олимлар, мутахассислар сўзини эшитдик. Ўқув якунида районимиз раҳбарларидан бири қишлоқ хўжалигининг кўпгина масалалари ҳақида гапириб, ижара пудратига тўхталди. Баъзи қардош республикаларда муваффақиятли қўлланилаётганини айтиб бизнинг ижарага ўтиб ишлашга иштиёқимизни сўради. Мен рози бўлдим. Чунки ижара пудратининг қандайлиги ҳақида радио, телевидениеда кўп эшитиб, ўзимча чамалаб юрардим. Мана, янги усулда ишимиз ёмон эмас.

Бердимурод ака ҳозирча юрилмаган сўқмоқдан одим ташлашга қандай журъат этди? Аввало у ҳаётий тажрибасига суянди. Ахир, миқти гавдали, эллик уч яшар миришкор деҳқон, ўз таъбири билан айтганда, пахтанинг ичида эсини таниган. Қолаверса, бир неча йилдирки, оилавий, кейинчалик йириклаштирилган звеноларга бошчилик қилди. Пудрат асосидаги бу коллективлар пахтакорларни ҳисоб-китобга, тежамкорликка ўргатди. Тўпланган тажриба унга дадиллик бағишлади.

Район агросаноат бирлашмаси ва хўжалик мутахассислари ижара пудратининг ҳисоб-китоби билан жиддий шуғулландилар.

— Нисбатан янги соҳа бўлганидан унинг иқтисодий томонига оддий колхозчи у ёқда турсин, биз, мутахассислар ҳам яхши тушунмас эканмиз,— дейди Р. Алиқулов. — Суриштирсак, Жиззах областининг Дўстлик районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозида ижара пудрати қўлланилаётган экан. Колхознинг бош экономисти, бош бухгалтери учаламиз шу хўжаликка бордик. Уларда ҳам бу соҳада тажриба оз, ижара пудратига шу йил ўтишган экан. Ҳарқалай, шартнома тузиш, ҳисоб-китоб масалаларида анчамунча нарсаларни ўрганиб қайтдик. Билганларимизни одамларга эринмасдан тушунтирдик.

Бригада далаларида ғўза парвариши авжида. Қатор ораларига ишлов бериш, экинни озиқлантириш юксак агротехника талаблари асосида бажарилмоқда. Суғоришга айниқса катта эътибор берилаяпти. Райондан бир гуруҳ тажрибали сувчилар мусобақадош Наманган областининг Чуст районига бориб, тез ва тежамли суғориш усулини ўрганиб келишди. Кейин шу масалада кўргазмали семинар ўтказилди.

— Бу усулда одатдаги ўқариқлардан воз кечилиб, оралиғи қисқа, 60—90 метрлик шохариқчалар орқали сув тараларкан, — дейди бригадир. — Ғўза енгил, тез-тез суғорилади, оби ҳаётнинг исроф бўлишига йўл қўйилмайди. Бизнинг сизот сувлари яқин, захкаш ер шароити учун айниқса мос.

Ижарачи пахтакорлар Асад Маматқулов, Аҳрор Ёвқочев, Ўринбой Камолов, Карим Элмирзаев, Ҳамдам Муҳаммадиев, Шавқи Нурматов каби уста механизатор ва сувчилар меҳнатидан мамнуният билдиришмоқда.

Тушлик маҳали дала шийпони гавжумлашиб кетади. Бинобарин, пахтазор ўртасидаги соя-салқин оромгоҳ пахтакорларнинг иккинчи уйига айланган. Шийпонда иссиқ овқат ташкил этилган. Одамлар ором соатларини куй-қўшиқ тинглаб, газета-журнал ўқиб мазмунли ўтказмоқдалар. Ён-атрофда 30 сотих майдонни эгаллаган сабзавот ва полиз экинлари шийпон дастурхонига файз киритмоқда. Шийпон томорқасида помидор, бодринг, сабзи, пиёз, карам, картошка, қовун-тарвуз каби экинлар яшнаб турибди. Бу ерда чорва моли ва парранда боқиш йўлга қўйилгани айниқса ибратли. Жумладан, бригада ҳисобидан гўштга топшириш учун 6 та қорамол семиртирилаяпти. Ички эҳтиёжга 150 товуқ ва жўжа боқилмоқда.

Бригада ижара пудратининг иқтисодий самараси ҳозирдаёқ кўзга ташланмоқда. Хўш, бу усулга хўжаликдаги бошқаларнинг муносабати қандай?

— Ҳозир ҳамманинг нигоҳи ана шу бригадада, — изоҳ беради колхоз бош бухгалтери Толлибой Маматов. — Йил якуни қанақа бўларкин, деб қараб туришибди. Агар Бердимурод аканинг бригадаси зўр чиқса, ижара пудрати колхозда кенг ёйилди деяверинг.

М. ЭРАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

## *СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА*

**СССР Министрлар Совети «Қишлоқларга кўчиб борганлик учун қўшимча имтиёзлар ҳамда ёшларни қишлоқ хўжалигига ижтимоий даъват этиш практикасини янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.**

Қарорда таъкидланадики, колхозлар ва совхозларда мустаҳкам меҳнат коллективларини вужудга келтириш ва уларга бу соҳада кадрларни, биринчи навбатда ёшларни ташкилий равишда жалб этиш ҳисобидан ёрдам бериш СССР Озиқ-овқат программасини бажаришнинг энг муҳим шартларидан биридир. Шунга қарамай, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ишчи кучи билан таъминлашнинг оилаларни кўчириб келиш ва ёшларга ижтимоий даъват каби формаларидан тўла-тўкис фойдаланилмаяпти. Ижтимоий даъват асосида келаётган йигит ва қизларнинг қишлоқда муқим қолиши амалдаги имтиёзлар билан етарли рағбатлантирилмаяпти.

СССР Министрлар Совети оилаларни кўчириб келишни ташкил этиш ва ёшларни қишлоқ хўжалигига ижтимоий даъват этишни яхшилаш юзасидан бир қанча тадбирларни белгилади.

СССР Агросаноат давлат комитети, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетлари қишлоқ хўжалигида ишлаш учун оилаларни кўчириш ва ёшларни ижтимоий даъват этишни барқарор меҳнат коллективларини тузиш ва қишлоқларда кадрларнинг муқим ишлаб қолишини таъминлашнинг муҳим воситаси, катта ватанпарварлик ва интернационал иш деб ҳисоблашлари лозим. Янги кўчиб келганларга тегишли социал, маданий-маиший ва ишлаб чиқариш шароитларини яратиб бериш, уларни коллективнинг меҳнат ва ижтимоий турмушига тезроқ жалб қилиш лозим.

РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонаси, Сибирь ва Узоқ Шарқ, қўриқ ерлар ўзлаштирилаётган районлардаги колхозлар ва совхозларга кадрларни жалб қилиш ва бириктириб қўйишга алоҳида эътибор қаратилди. ВЛКСМ Марказий Комитетининг ана шу хўжаликларга қишлоқ хўжалик, халқ маорифи, маданият, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш, физкультура ва спорт мутахассислари билан бирга комсомол-ёшлар отрядларини юбориш тўғрисидаги ташаббуси маъқулланди.

СССР Госпланига, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетига, СССР Агросаноат давлат комитетига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетларига оилаларни қишлоққа кўчириш планларида тегишли комсомол органларининг йигит ва қизларни ижтимоий даъват тартибида қишлоқ хўжалигига юбориш тўғрисидаги таклифларини ҳисобга олиш топширилди.

СССР ҳукумати қишлоққа кўчиб келувчилар учун белгилаган имтиёзлар ана шу кишиларга нисбатан ҳам жорий этилади. Совхозларга ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига кўчиб келиш ва ижтимоий даъват тартиби билан хўжаликларнинг заявкаларига мувофиқ қишлоқ жойларига келаётган халқ маорифи, маданият, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш, физкультура ва спорт мутахассисларига ана шундай имтиёзлар беришга рухсат этилди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларини битириб чиққанлар орасидан (корхоналар ва ташкилотларнинг стипендиатларидан ташқари) ижтимоий даъватга мувофиқ мутахассисларни танлаб олиш ва жўнатиш билан комсомол ташкилотлари хўжаликларнинг заявкаларига мувофиқ шуғулланадилар.

Кўчиш ва ижтимоий даъват тартиби билан келган ходимларга колхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари маблағи ҳисобидан қуйидаги имтиёзлар ва ҳақ тўлаш белгилаб қўйилди: йўлда бўлган вақт учун хизмат командировкалари тўғрисидаги қонунда белгилаб қўйилган миқдорда суткалик пул, йўлга тайёргарлик кўриш ва янги истиқомат жойида ўрнашиш кунлари учун (лекин олти кундан ошмаслиги керак), шунингдек йўлда бўлган вақти учун янги иш жойидаги тариф ставкаси (окладн) асосида иш ҳақи тўланади;

бир хўжаликнинг ўзида узлуксиз ишлаганлиги учун иш ҳақига қўшимча процент олиш ҳуқуқини берадиган стаж ҳамда, агар у меҳнат фаолиятининг янги жойида амал қиладиган бўлса, стаж билан боғлиқ бошқа имтиёзлар сақланиб қолади; кўчиб келганидан кейин ишлаган давридан қатъий назар биринчи йил учун отпуска берилади.

Меҳнат фаолиятини энди бошлаётган кишилар учун мазкур хўжаликдаги узлуксиз стажи учун иш ҳақига белгиланган қўшимча ҳақни ҳисоблашнинг имтиёзли тартиби кўзда тутилади;

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда қайта ўқитилган тақдирда у ёки бу касб бўйича ўртача иш ҳақи тўланади ёки ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда қайта тайёргарликдан ўтишда бутун таълим давомида ўртача иш ҳақигача бўлган тафовут қўшимча равишда тўланади. Янги ёки ёндош касб бўйича иш бошлаган кишиларга шу касб юзасидан хўжаликда олинаётган ўртача иш ҳақи миқдоригача қўшимча ҳақ тўлашга (лекин 3 ойдан ошмаслиги керак) рухсат этилди.

СССР Агросаноат давлат комитетига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Агросаноат давлат комитетларига, ўлка ва областларнинг агросаноат комитетларига, район агросаноат бирлашмаларига аҳолини кўчириб келиш плани белгиланган зарар кўрувчи совхозлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига имтиёзлар бериш ва ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини марказлаштирилган фондлар ва резервлар маблағи ҳисобидан қоплаш тавсия этилди.

Оилаларни кўчириб келиш плани белгиланган совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига меҳнат ва социал органлар билан келишган ҳолда ижтимоий даъватга мувофиқ, шунингдек, шу хўжалик билан олдиндан келишиб мустақил равишда келган кишиларни ўз маблағлари ҳисобидан қабул қилиш ва уларга кўчиб келиш учун бир қанча имтиёзлар беришга рухсат этилди.

Совхозларга ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига кўчириш ва ижтимоий даъват тартиби билан келган ҳамда механизаторлар, чорвадорлар ва қишлоқ хўжалик мутахассислари сифатида ишга қабул қилган кишиларга, шунингдек, юқоридаги шартлар билан бу хўжаликларга юборилаётган халқ маорифи, маданият, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш, физкультура ва спорт ходимларига меҳнат коллективи кенгашининг розилиги билан рўзғорини тиклаб олиш учун тегишли касблар (лавозимлар) учун белгиланган III разряд (оклад) билан олти ойлик тариф ставкалари миқдорида нафақа берилиши мумкин.

Колхозларга кўчириш ва ижтимоий даъват тартиби билан келаётган кишиларга мазкур қарорда совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари учун кўзда тутилган имтиёзларни бериш тавсия этилди.

СССР Агросаноат давлат комитетига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига ВЛКСМ Марказий Комитети иштирокида қишлоқдаги иқтисодий жиҳатдан камқувват хўжаликларда 1995 йилга қадар ёшлар уй-жой комплексларини қуриш программасини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

СССР Министрлар Совети хўжалик маъмуриятининг мазкур хўжаликда ишлаш истагини билдирган кишилар билан шартнома тузиш асосида оилаларни кўчириш ва ёшларни қишлоқ хўжалигига ижтимоий даъват этиш практикасини кенгайтиришни мақсадга мувофиқ, деб топди.

**СССР Министрлар Совети Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорлари асосида тайёрланган «Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бозорни таъминлашни жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарор лойиҳасини КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил июль пленуми маъқуллаган.**

Қарорда бозорни хилма-хил моллар билан таъминлашни жадаллаштириш, бундай молларни ишлаб чиқаришни ҳамма жойда авж олдириш КПСС Бутуниттифоқ XIX конференцияси қўйган долзарб вазифалардан бири эканлиги таъкидланади. Бу вазифани бажариш учун ноозиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини, аҳолини бундай моллар билан таъминлашни яхшилаш, мазкур ғоят муҳим социал-иқтисодий ва сиёсий муаммони ҳал қилишда бурилишга эришиш юзасидан қўшимча чораларни кўриш талаб қилинади.

СССР Министрлар Совети таъкидлайдики, кейинги йилларда бу соҳада ижобий ўзгаришлар кўзга ташланаётганига қарамай, товарларни тақдим этиш аҳолининг харид қобилияти ўсишидан ҳали ҳам орқада қолмоқда. Савдода кийим-кечак, пойабзал, маданий-маиший ва хўжалик буюмлари, болалар ва кексалар учун товарлар етишмаяпти, савдодаги мавжуд товарларнинг сифати эса совет кишиларида жиддий норозилик туғдирмоқда.

Моддий ва илмий-техникавий базанинг бўшлиги, хом ашёнинг етишмаслиги ва сифатининг пастлиги халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Ихтисослаштирилган қувватлар сусткашлик билан кўпайтирилмоқда, бир қанча ҳолларда ишлаб чиқаришнинг сменалилиги даражаси паст. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқараётган тармоқларда ва корхоналарда хўжалик юритишнинг янги методлари, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор формалари, шу жумладан хўжалик ҳисоби ва ижара пудратининг иккинчи модели имкониятларидан етарли фойдаланилмаяпти.

Шу билан бирга, дейилади қарорда, кўпгина министрликлар ва идоралар, корхоналар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни вақтинчалик, ёрдамчи, истиқболсиз иш, деб ҳисобламоқдалар. Халқ депутатлари Советлари мавжуд маҳаллий ресурсларни сафарбар этмаётирлар, кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг ўсиб бораётган имкониятларидан фойдаланмаётирлар, бу ғоят муҳим соҳада ишларни мувофиқлаштириш учун ўз ҳуқуқларини тўла ва изчил қўлланмаяптилар.

СССР Министрлар Советининг доимий органлари, СССР Госплани ва СССР Госснаби, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ишларнинг аҳволини етарли контрол қилмаяптилар, қолоқлик сабабларини чуқур таҳлил этмаётирлар, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни планлаштириш, рағбатлантириш, моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш ва самарали ташкил этиш юзасидан таъсирчан чоралар кўришдан кўпинча ўзларини четга олмоқдалар.

СССР Министрлар Совети халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришдаги аҳвол, бу ишнинг умуман ташкил этилиши партиянинг актив социал сиёсат ўтказиш, халқ фаровонлигини ошириш йўлига мос келмайди, деб ҳисоблайди. Бу эса одамларнинг қайта қуришга муносабатига, уларнинг режалаштирилган ўзгартишлар реаллигига ишончига салбий таъсир қилмоқда. Бу соҳада қатъий ва сезиларли ўзгаришлар қилиниши лозим, ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилларида йўл қўйилган қолоқликни тугатибгина қолмай, беш йиллик план топшириқларига қўшимча равишда бундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришиш, ўн учинчи беш йилликда оширилган планлар қабул қилишга ишончли замин яратиш учун халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни жадал кўпайтириш юзасидан шошилинч чоралар кўриш зарур.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси йўл-йўриқларига амал қилиб, ўн иккинчи беш йилликнинг охиридаёқ халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтиришни таъминлаш, уларнинг сифатини яхшилаш ва хилини кўпайтириш ҳамда аҳолига бундай товарларни етказиб беришни асосан нормал ҳолга келтириш зарур.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига, саноат корхоналари ва бирлашмаларининг раҳбарларига халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ва аҳолини таъминлашни ташкил этиш ишидаги қониқарсиз аҳвол сабабларини батафсил кўриб чиқиш, таъсирчан ва конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, хилларини кўпайтириш учун мумкин бўлган барча резервларни сафарбар қилиш, қисқа муддат ичида ҳар бир республика, ўлка, область, шаҳар ва районда бозорни бундай товарлар билан тўлдириш топширилди.

Марказий планлаштириш ва хўжалик органлари халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш хўжалик механизмини такомиллаштириш юзасидан қўшимча чораларни кўришлари, товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва аҳолининг талабларини тағин ҳам тўлароқ қондиришдан халқ депутатлари маҳаллий Советларининг, меҳнат коллективларининг манфаатдорлигини оширишлари керак.

СССР Министрлар Совети доимий органлари ва СССР Госпланининг министрликлар ва идоралар, республика ва маҳаллий бошқарув органлари иштирокида ишлаб чиқилган 1989—1990 йилларда халқ истеъмоли товарларини ишлаб

(Давоми 3-бетда).

